



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Фикрлашни,
уйлашни, ўз
ҳаётингизни
таҳлил қилишни
ўрганинг, акс
ҳолда бировнинг
фикрига эргашиб
юрверасиз

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 1-aprel, payshanba, 38 (23.474)-son

Ёшлар ҳокимга нима деди, ҳоким ёшларга-чи?

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида вилоят ҳокими, Ички ишлар вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда республика Халқ банки мутасадди раҳбарлари иштирокида ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Қайд қилинганидек, бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг 1 миллион 953 минг нафарини 30 ёшгача бўлганлар, шундан 18-30 ёшдагилар 711 минг 981 нафарни ташкил қилади.

Ҳар бир мурожаатни диққат билан тинглади, ўрни келганда мурожаатчига маслаҳат берди, вазиятга қараб тегишли ёрдам кўрсатилишини билдирди. Ота-онам йўқ, кредитга

ришидан қатъий назар кўхна кентдан субсидия асосида уй олиши мумкин, - деди вилоят ҳокими Э.Турдимов. - Бунда ҳеч қандай тўсиқ ёки муаммо бўлмайди.

Шунингдек, қайд этилишича, бугунги собиқ "Темурбеклар мактаби" да 450 кишига касб-ҳунар ўргатиш маркази иш бошлади. Ҳар бир маҳаллада 1,4 миллион сўм иш ҳақи тўланадиган меҳнат инспектори штати жорий қилинди. Самарқанд шаҳрида хостел типдаги талабалар ётоқхоналари қурилиши режалаштирилмоқда. Хусусий бизнес билан ҳамкорликда



Уларни ҳар бирининг ўз орзу-хаваслари, истаклари бор. Албатта, ёшлар учун қилинаётган ишлар оз эмас, аммо ҳали қилиниши керак бўлганлари ҳам талайгина. Айни шунинг учун йигит-қизлар билан жонли мулоқотлар доимий кўриниш олмақда. Уларнинг нафақат муаммолари, шу билан бирга турли йўналишдаги тақлифлари ҳам тингланмоқда.

ФАОЛ ЁШЛАР ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАНДИ

Бугун Самарқанд шаҳридаги таъмирлаш ишлари туфайли кўчалардаги аҳвол мақтағулик эмас, - деди Наврўза Суярқулова. - Аммо бундай ишлар олиб борилаётган кўчаларда ҳам пиёдалар учун турли ноқулайликлар туғилмоқда. Масалан, Гагарин, Панжоб кўчаларини олайлик. Тадбиркорлар дўкон қолиб кўчага маҳсулотларини чиқариб олмақда.

Муаммо тўғри кўтарилганини қайд қилган вилоят ҳокими, уни ҳал этишни вилоят ИИБ бошлиги Ш.Раҳмоновга топширди.

Менга 50 нафар тенгдошларим қатори планшет бериб, жамиятдаги муаммоларни ёритиб боришни тавсия қилгандингиз, - деди Н.Суярқулова. - Аммо яна бир масалада ёрдам беришингизни сўрайман. Чунки менга маълум қилишларича, шаҳардаги аксарият мактабларда янги келган ўқитувчиларга 5-10 соат, кекса педагогларга 30 соатгача дарс берилаётган экан. Бир ставка 18 соат бўлган ҳолда нега тақсимотда бундай адолатсизликка йўл қўйилмоқда?

Мазкур масала тегишли ташкилотларни жалб қилган ҳолда қонуний ўрганиб чиқиши белгиланди.

"ИККОМИМИЗ МИТАННИ БИР АЙЛАНДИК-ЧИ?"

Учрашувга мутлақо расмий түс берилмади. Вилоят ҳокими

Митан шаҳарчасида вилоят ҳокими келяпти, дейишса тартиб ўрнатилди, - деди залдаги йигитлардан яна бири. - Аммо бошқа пайт кўчалар таъмирталаблиги, пиёдалар йўлаги йўқлиги учун транспорт туғул, пиёда юриш ҳам муаммо.

Бировга айтмайман, кел икковимиз шаҳарчангни айланб, кучимиз етганича бир ҳаракат қилайлик, - деди Э.Турдимов. - Қани нима ишларни уйдalay оларканмиз, маъқулми?!

Бир қарашда оддий кўринган бундай мулоқотлар унда иштирок этган ҳар бир ёшга янги куч, шижоат бағишлаши шубҳасиз. Учрашув давомида вилоят ҳокими мурожаатлар моҳиятидан келиб чиқиб, турли маълумотларни айтиб ўтди.

"ТЕНГДОШЛАРИНГА ҲАМ ЕТКАЗИНГЛАР!"

Самарқанд шаҳрида қайсидир идорада ишлайдиган фуқаро қаерда рўйхатда ту-

ҳокими бугун давлатимизда ёшлар билан ишлаш мутлақо бошқача форматда олиб борилаётганини алоҳида қайд этди.

ЭНДИ МУАММОСИ БОР ЁШЛАРНИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЎЗИ ИЗЛАБ ТОПАДИ

Мурожаати бор йигит-қизлар ўз масаласини ҳал қиладиган раҳбарни изламайди, - деди Э.Турдимов. - Бугун бу талабни ҳар бир раҳбар тушуниб етиши, фаолиятини шу асосда ташкил қилиши шарт. Энди муаммоси бор ёшларни раҳбарларнинг ўзи излаб топади.

Мулоқот давомида билдирган мурожаатлар билан ишлашда ҳам ана шундай йўл тутилди. Ўзини қийнаётган масаласини айтган ёшлар телефон рақамини қолдирди. Уни ҳал қилиши керак бўладиган ташкилот раҳбари шахсан ўша йигит ёки қиз билан боғланиб, бирга ишлаши белгиланди. **Ё.ГАДОВ.**



2022 йилда Самарқанд шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) саммити ўтказилиши белгиланган. Шу муносабат билан айна пайтда шаҳарда кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Саммитга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан шу йилнинг 23 февраль куни давлатимиз раҳбари томонидан фармойиш қабул қилиниб, зарур чора-тадбирлар тасдиқланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам фармойишлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Мазкур ҳужжатлар асосида саммитга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика комиссияси тузилди. Шунингдек, инфратузилма объектларини барпо этиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бўйича, автомобиль йўллари таъмирлаш, кўчаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, саммит тадбирларини уюштириш, иштирокчиларни жойлаштириш, транспорт билан таъминлаш, тиббий хизмат, маданий дастурларни шакллантириш ва бошқа йўналишлар бўйича саммит якунига қадар доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқланди. Ҳар бир ишчи гуруҳнинг вазифалари, амалга оширадиган тадбирлари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Самарқанд шаҳар Кўксарой майдони 1-Д бинода жойлашган вилоят қурилиш бош бошқармаси биносида доимий ишчи гуруҳлар штаби ташкил этилди. Ҳозирда бу ерда ишчи гуруҳларнинг фаолияти мувофиқлаштириб борилаётган.

Самарқанд вилоятида ШҲТ саммити йўналишида жойлашган объектларни таъмирлаш ва қайта қуриш, ҳудудларни ободонлаштириш бўйича 109 километр узунликдаги йўналишлар ва 4249 та объект белгиланиб олинган, - дейди доимий ишчи гуруҳлар штаби аъзоси П.Соидиков. - Йўналишлардаги таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари 20 та лотга бўлиниб, ҳар бир лотга республика банклари ҳамда 23 та лойиҳа ташкилотлари бириктирилган. Бундан ташқари, қурилиш вазирлиги томонидан шартнома асосида 20 нафар мутахассис ишга жалб қилинди. Вазифаларни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш учун ҳар бир лотга банк ташкилотлари, лойиҳа институтлари, коммунал хўжалик идоралари ва бошқа соҳалар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Мазкур ишчи гуруҳлар томонидан қайта хатлов ўтказилиб, ҳар бир объект бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар шаҳарсозлик кенгашида танқидий кўриб чиқилиб, айрим лойиҳа ташкилотларига тунги ёритиш ускуналарини лойиҳаларга киритиш, фасадларни миллий қиёфага айлантириш тўғрисида тавсиялар берилди. Архитектура шаҳарсозлик кенгашининг жорий йилнинг 2 ва 5 мартда-

ги баёнлари билан лойиҳалар тасдиқланиб, амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда, 20 та лотда жойлашган объектларнинг 301 тасида қурилиш таъмирлаш ишлари якунланган бўлса, 640 тасида давом этмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тегишли 360 та объект (асосан уй-жойлар)да таъмирлаш ишлари олиб бориш учун ҳомийлар ва давлат томонидан зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳар бир объект бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилган.

Автомобиль йўллари, электр, газ, ичимлик суви ҳамда алоқа тармоқларини янгидан қуриш бўйича ҳам тасдиқланган тармоқ жадваллари кунлик назорат қилиб борилаётган.

Хусусан, айни пайтда Самарқанд эшак эшик канали ҳудудида барпо этилаётган туристик марказда, Самарқанд шаҳрини ушбу марказ билан боғлайдиган Уста Умар Жўрақулов кўчасида, шаҳардаги Ибн Сино, Рудакий, Бўстонсарой кўчалари ва бошқа объектларда реконструкция, таъмирлаш ишлари қизгин давом этмоқда.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,
Алишер ИСРОИЛОВ (сурат)**

Олий суд раиси Самарқандга келди

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Комилов раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи томонидан суд-ҳуқуқ масалалари юзасидан оммавий қабуллар бўлди.

Дастлабки қабул кеча Самарқанд туманида ўтказилди. Унда Самарқанд, Тойлоқ, Жомбой туманлари ва Самарқанд шаҳрида яшовчи фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

ва ўринбосарлари, Олий суд ва вилоят суди судьялари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Президент халқ қабулхоналари, туман, шаҳар ҳокимлари ва бошқа мутасадди идоралар



Аҳолининг суд-ҳуқуқ ва бошқа масалалар билан боғлиқ мурожаатлари Олий суд раиси

масъуллари томонидан қабул қилиниб, ҳар бир масала ижроси назоратга олинди.



Хусусан, "Sam FERRE" хусусий корхонаси вакили Шаҳбоз Сайфидиновнинг божхона омборини кенгайтириш масаласидаги мурожаати Самарқанд вилояти божхона бошқармаси бошлиғи Я.Мирзахимов томонидан қабул қилиниб, шу куннинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Қабул чоғида Самарқанд туманидаги "темир", "аёллар" ва "ёшлар" дафтарларига киритилган, эҳтиёжманд оилаларнинг бир

гuruhига маҳаллий кенгашлар депутатлари учун ажратилган маблағ ҳисобидан тикув машинаси, мотокультиватор ва бошқа даромад топиш мумкин бўлган воситалар тарқатилди.

Оммавий қабуллар бугун Иштихон ва Қўшработ туманларида, эртага Паст Дарғом тумани ва Каттақўрғон шаҳрида, 3 апрель куни эса Ургут туманида яқин ҳудудлар аҳолиси учун ўтказилади.

Табассум

ЭНГ ЯХШИ МАЛҲАМ



гормонлари” деб аталмиш эндорфинлар қонга туша бошлайди. Улар кайфиятни кучайтиради ва танада бўлган оғриқни заифлаштириб қўяди. Танамиз бўшашганда, иммун тизими ташқи омилларга нисбатан анча тез ва самарали таъсир қилади, шунинг учун хушчақчақ одамлар камроқ касал бўлиб, ўзларини яхши ҳис қилишади.

Хафагарчилик ёки кўркүв бўлиб турган лаҳзаларда бирор киши сизга табассум қилишни маслаҳат берса, ғазабланишингиз табиий. Бирок бу маслаҳат жуда ўринли ва керакли, чунки жилмайиш инсоннинг жисмоний ва психологик сергаклигига кучли таъсир қилар экан.

Иккинчидан, табассум бизга стрессни енгишга ёрдам беради, шу сабабли шифокорлар ҳатто истамасак-да, табассум қилишни маслаҳат беришади. Аниқки, қувончли юз ифодалари умрни узайтиради, тери фаоллигига хизмат қилади ва ёш кўринишга ёрдам беради.

Учинчидан, табассумнинг соғломлантирувчи таъсири ўпка касаллиги, саратон ва депрессияда ҳам сезилиши мумкин.

Атрофдагилар учун табассум нафақат илтифот белгиси, балки жилмайиб турган инсон ўзига ишонганлигининг далолатидир. Рухшунослар ишга жойлашиши учун суҳбатда ва мижозлар билан

мулоқот қилишда айнан шу ҳолатда бўлишни маслаҳат беришади. Негаки, яхши кайфият ва қарор қабул қилишдаги қулайликлар табассум орқали ҳосил бўлади. Қувноқ ва дўстона кўринадиган одам билан мулоқот қилиш ва ишлаш ёқимли, чунки биз унинг ишончини онгли равишда қозонган бўламиз.

Ташқи кўринишнинг таркибий қисми сифатида табассумни танлайдиган одамлар ўзларини янада ғайратли, қатъиятлироқ ҳис қилади, уларнинг бошлаган ишлари кўпинча яхши натижаларни кўрсатади. Табассум қисман ижобий фикрлашни шакллантиради, бу эса ўз навбатида бизни муваффақият қозонишга чорлайди ва мақсадимиз йўлидаги барча қийинчиликларни енгишга ёрдам беради.

Мусулмончиликда киши юзидаги табассум қалби очик, пок, ташвиш ва умидсизликка йўлиқмаганлигидан далолат беради. Жариб ибн Абдуллоҳ айтдилар: “Расулulloҳ мен Исломи қабул қилган пайтмдан бошлаб ўзларини кўришимдан бош тортмадилар ва у киши ҳеч қачон менга юзларида табассумсиз қарамади”.

Пайғамбаримиз (Мухаммад с.а.в) айтганлар: “Биродарингга қараб қилган табассум бу садақадир”.

Баҳора МУҲАММАДИЕВА тайёрлади.

Табассум инсон учун табиий ҳолат. Бахт оғушида ва самимий хурсандчиликлар чоғида юзимиз мўъжизавий тарзда ўзгаради, гўё атрофдагиларни биз билан яхши кайфиятни баҳам кўришга чорлайди. Ажабланарлиси, қалб иродаси билан эмас, баъзан ата-йил қилган табассум ҳам фикримизни ўзгартириши ва ижобий кайфият уйғотиши мумкин.

Пайғамбаримиз (Мухаммад с.а.в) ҳар доим табассум қилиб юрар эканлар ва бу орқали ўзининг мутлақ уйғунлик ҳамда руҳий хотиржамлик ҳолатини ифода этган. Абдуллоҳ ибн Хорий шундай деган: “Мен ҳеч қачон Мухаммад пайғамбарга ўхшаб табассум қилган одамни учратмаганман. У табассумини биродарига хайрия сифатида бахш этарди”.

Дунё мамлакатларида табассум дўстона муносабат белгиси ҳисобланиши билан бирга, инсоннинг бахтли ботиний ҳолатини акс эттиради. Бундан ташқари, табассумнинг танамизга бевосита таъсир кўрсатадиган бир қатор фойдали хусусиятлари ҳам бор.

Биринчидан, табассум қилганда бутун вужуд бўшади ва юрак бир текис ура бошлайди, қон босими маълум вақтга пасайиб, “хурсандчилик

Бахтиёр ЖУМА

Коса тагида нимкоса

ҒУРУР

Ёш эдим. Ғурурим баланд, гапим – гап эди. Ҳамма жойда ҳукимини ўтказардим. Ота-онам бирорта гапимни ерда қолдирмасдилар. Ҳамиша ва ҳамма жойда ўзимни ҳақ, деб билардим. Сўнг...

“ЧЕМПИОН”

Илгари мен жуда қобил ва одобли бола эдим. Ўлдирсангиз ҳам оғзимдан бирор ёмон сўз чиқмасди. Бирор киши жаҳлимни чиқарса, отангнинг боши қал бўлсин, онанг тиш оғриғига мубтало бўлсин, деб қасдимни олардим ва шу билан кўнглим тинчирди. Мабодо тийиксиз тилдан ҳақоратли сўзлар чиқса, уятдан қизариб кетардим.

Умуман ҳақорат нималигини билмасдим. Э, ўлиб кетсин бу машинаси! Машина сотиб олдим ҳақоратчиларнинг “чемпиони”га айландим.

ХУШБАХТЛИК СИРИ

Сизнинг оила бошқаришингизни ҳамма мақтайди. Бахтиёрлик сири нималигини айтсангиз?

- Сабр ва чидам.
- Ҳаммаси шуми?
- Йўқ, жойи келса кар, кўр, гунг бўлиш хунарим ҳам бор.
- Тамомми?
- Йўқ, баъзан кўнгли овлаш учун ёлғон ҳам гапирман.

- Бундан чиқадики, сиз жуфтингиздан розисиз?
- Мен эмас, у мендан рози бўлса – бахт ана шунда.

Тожиқ тилидан
Ҳамида КАРИМОВА таржимаси.

Қўшним – жоҳил

Ўйлаб кўрсам «ёлғончи дунё» деганлари ростга ўхшайди. Деярли ҳар кун бир ёлғон ишлатамиз. Бу одатми ёки шунга ўрганиб қолганмизми билмадим, лекин фарзандларимизга ҳам ёлғончиликни ўзимиз ўргатяпмиз назаримда.

Яқинда бир қўшнимнинг уйига кетмон сўраб чиқдим. Қўшним “Кетмонимиз йўқолган”, деди. Унинг бу гапини эшитиб турган 9 ёшли ўғилчаси “дада кетмонимиз уйда, олиб келайми”, деб қолди. Қўшним ўғлининг гапини эшитмасликка олиб, дарвозани шартта ёпдида уни урушиб берди...

Энди қаранг, қўшнимнинг ёлғон гапириши унинг бахиллигини, бегуноҳ ўғлини уришиши эса жоҳиллигини кўрсатади.

Нуриддин ЯХЎЕВ,
Иштихон тумани.

Кулинг, кўлдилинг...

Қуён ўрмондаги хайвонлар йиғинида сўз олди:
- Баъзи ўрмондошларимиз, айниқса, Бўри, Қашқирлар кун сайин ваҳшийлашиб, хайвонгарчиликдан чиқиб кетишяпти.

Ит ўз эгасига “итлик” қилди.

Бир киши ўзига ғалати-роқ муомала қилган врачга таажжубланиб бундай деди:

- Чамамда сиз мени пихини ёрган, ўта муғом-бир одам бўлса керак, деб ўйлаясиз-а, дўхтир?

Врач унга жавобан қулиб деди:
- Йўқ, сиз мутлақо унақа хаёлларга борманг, оғайни. Биласизми, аслида сиз сираям даволаб бўлмайдиган даражада соғломсиз!

- Тавба, қабулхонадаги “кресло” кўринмай қолди, деди Эшиқ.
- Мустақкам ўрнашиб олган кресло пора

олаётганида қўлга тушибди. Креслонинг ўрнига ҳалол, виждонли Курси келармиш, - деди Ром.

- Савол аломати нима, биласизларми?
- Бу – ундов белгисининг кексайгани-да!

Футбол шарҳловчиси эфирда:
- Осмонни қуюқ булут қоплаган. Ёмғир, сел футболчиларни аямаяпти. Энг ёмони, ёмғир икки жамоа устига ҳам ёғаяпти!

Вокзалдаги ресторанда:
- Келтирган овқатингиз жуда ҳам озку?
- Кўпроқ овқат берсақ, поездга кечикасизда...

Ярим тун. Эшиқ кўнги-роғи жиринглади.
Хотин: ким... бемаҳал-да?!
Эр: тўнкангман... арра-лашинг мумкин!

Тўпловчи:
Абдуазиз ҲОШИМОВ.



БОКСЧИЛАР Самарқандда жам бўлди

Самарқанд шаҳрида олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари ўртасида бокс бўйича анъанавий “Олимпия чўққилари” республика спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Уч йилда бир ўтказилиб келинаётган бокс мусобақасида республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан 200 нафарга яқин профессионал боксчилар ўн уч вазн тоифасида 145 жанг ўтказди.

- Кейинги пайтда барча вилоятларда бокс анча жонланиб, қизиқувчилар сони ортмоқда, - дейди мусобақа бош хаками Обиджон Зокиров. - Бу киши мусобақалар орқали биз миллий терма жамоамизни ҳам шакллантираемиз. Айниқса, Осиё ва халқаро беллашув-

ларда Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳри боксчиларининг нуфузи баланд.

Мусобақа натижасига кўра, республика олимпия захиралари коллежи жамоаси медаль жамғариш бўйича энг яхши натижани кўрсатди. Самарқанд олимпия захиралари коллежи боксчилари иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спортчилари учинчи ўрин билан кифояланди.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ САЁҲАТ ҚИЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

“Касаба Самарқанд” УК сайёҳлик агентлиги билан бу янада осонроқ!

“Касаба Самарқанд” УК сайёҳлик агентлиги юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз шаҳарлари, Фарғона водийси ва бошқа тарихий гўшаларга қизиқарли ва мароқли саёҳатларга таклиф этади. Саёҳат давомида замонавий транспортлар, меҳмонхоналар, ошхоналар ва малакали гид-экскурсоводлар хизмат кўрсатади.

Телефонлар: +99893-356-90-08, +99866-233-09-84.
Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 42-уй. E-mail: kasabasamarqand@gmail.com

Zarafshon
САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalarini tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV
Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 110 nusxada chop etildi. Buyurtma 238
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.
Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G. HASANOV.
Navbatchi: T. SIDDIQOV.
Sahifalovchi: B. ABDULLAYEV.
Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X
9 772010 667009